



Инсоният бутун тарихи мобайнида бор-йўги 292 йилгина урушларсиз яшаган.

Англия ва Франция ўртасида 1337 йилдан 1453 йилгача, жами 115 йил давом этган уруш жахон тарихидаги энг узок уруш хисобланади.

Хозиргача Ер юзида жами 15 мингдан ортик уруш бўлган, шундан 5700 таси катта урушлар эди, кабилалараро этник урушлар бунга кирмайди. Улар сони ўн олтинчи асрда 106 та, ўн еттинчи асрда 231 та, ўн саккизинчи асрда 703 та бўлса, ўн тўккизинчи асрда 730 тага етган. Ўтган асрда эса Иккинчи жахон урушигача 882 та, ундан кейин эса 300 дан ортик уруш бўлди.

Урушлар оқибатида ўн еттинчи асрда 3,3 миллион, ўн саккизинчи асрда 5,4 миллион, ўн тўккизинчи асрда 5,7 миллион киши халок бўлди. Ўтган асрдаги Биринчи жахон урушида 10 миллион, Иккинчи жахон урушида 52 миллион киши қурбон бўлди.

Мутахассислар ҳисобича, Юлий Сезар давридаги урушларда битта одамни халок қилишга 1 доллар, Наполеон даврида 1000 доллар, Биринчи жахон урушида 21000, Иккинчи жахон урушида 200.000 доллар миқдорида маблаг сарфланган.

Таникли иқтисодчи Нобел мукофоти эгаси Жозеф ҳисобича, АҚШ бошлик ҳарбий коалитсия Ироқдаги урушга 5 триллион доллардан ортик маблаг сарфлаган. Аммо Ироқ аҳолисида қурбон бўлган 3 миллион кишининг ҳунини нима билан ўлчаса бўларкин?! Ҳарбийлар ҳам 3000 дан зиёд аскарини қурбон беришди, АҚШ армиясининг 16,2 минг аскари яраланди.

Хозир қурраамизда тўпланган энг ўткир заҳар – сианид қуроли билан 750 миллиард кишининг ёстигини қуритиш мумкин.

Швейтсариялик олимлар ҳисоб-китобига қараганда, инсониятнинг охириги беш юз йиллик

хаётида юз берган 14.000 урушда карийб 5 миллиард одам халок бўлган.

XX аср "энг конли" юзйиллик бўлди, шу асрдаги урушларда жами 70 миллион кишининг ёстиги куриди.

БМТ маълумотларига кўра, хозирги кунда хар 20 дакикада кимдир турли миналарнинг портлашидан халок бўлади.

Йигирманчи аср бошларида минадан курбон бўлганларнинг 80 фоизини харбийлар ташкил этган бўлса, хозир халок бўлаётганларнинг шунчаси тинч ахоли вакиллариدير.

Битта минанинг нархи 3 доллар, уни зарарсизлантиришга эса 1000 доллар маблаг керак бўлади.

Мутахассислар хисобича, оддий урушларда курбон бўлганлардан бир жангчига тинч фукаролардан 10 киши, ядро урушида эса бир жангчига 100 нафар тинч фукаро тўгри келади.

Охирги ўн йил мобайнида кечган урушларда 1,5 миллион бола халок бўлди.

Иккинчи жахон уруши мобайнида Ўзбекистонга уруш жойларидан 200 минг бола кўчирилган.

Бугунги кунда бир дакикада дунёда 25-30 та бола очликдан ўлаётган ёки касалликдан вафот этаётган бир пайтда ана шу бир дакика ичида 3,7 миллион доллар маблаг харбий мақсадларга сарфланмокда.

Иккинчи жахон урушининг "киёфаси" бундай: уруш 6 йил давом этди, унда 60 дан ортик мамлакат иштирок этди, урушган давлат ахолиси сони 1,7 миллиард кишидан кўпрок эди, 22 миллион квадрат метр майдонда харбий харакатлар кечди, 110 миллион киши куролли кучлар сафига жалб килинди, 50 миллион киши халок, 90 миллион киши ярадор ё майиб бўлди, моддий талафотлар хажми 4 триллион долларни ташкил этди.

Ўтган аср охирида Тожикистонда содир бўлган фукаролик уруши натижасида 100.000 дан ортик киши халок бўлди, кочоклар сони 1 миллион кишига етди.

2008 йили дунё бўйича харбий харажатлар олдинги йилга нисбатан 4 фоизга ўсди ва 1,5 триллион АКШ долларини ташкил этди.

Экологик муаммоларни хал этишга 50 миллиард доллар, ОИТСга карши курашга 21 миллиард, очлик ва кашшокликни тугатишга 15 миллиард, дунё ахолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш муаммосини хал этишга 10 миллиард, озон катлами емирилиши олдини олишга ва дунёда саводсизликни тугатишга 5 миллиард доллардан маблаг зарурлиги инобатга олинса, инсоният ўзини ўзи йўк килиш учун канчалик катта маблаг сарфлаётгани ойдинлашади.

Йигирманчи асрда юз берган табиий офатлар окибатида жами 5,7 миллион киши нобуд бўлган. Энг халокатли офат 1939 йили Хитойда бўлган, кучли сел натижасида 3,7 миллион киши халок бўлган.

Яна Хитойда 1976 йили рўй берган zilзилада 250 минг киши хаётдан кўз юмган.

Табиатдаги энг халокатли ходиса zilзила ҳам, вулкон ҳам эмас, балки сув тошқинидир. ЮНЕСКО маълумотларига кўра, кейинги юз йил ичида сув тошқинлари окибатида 9 миллион киши, zilзила ва довулдан эса 2 миллион киши халок бўлган.

1908 йил 28 декабрда Ситсилия ороллариининг Италияга карашли Мессина шахрида бўлган 7,5 балли zilзила окибатида юз минг кишининг ёстиги куриди.

1923 йили Японияда бўлган zilзила ҳам юз минг киши хаётига зомин бўлди.

Ўзбекистонда энг каттик zilзилалар 838-839 йиллари Фарғонада, 942 ва 1921-1922 йиллари Бухорода, 1208-1209 йилларда Урганчда, 1490 ва 1921 йиллари Самарқандда, 1494, 1620 (Ахсикент), 1927, 1984 (Поп) йиллари Наманганда, 1902 йили Андижонда, 1868, 1924, 1938, 1966 йиллари Тошкентда, 1984 йили Газлида рўй берган.

Амрико бахтсиз ходисалар институти маълумотларига караганда, эркаклар аёлларга караганда 68 фоиз кўпроқ машина мажаклашади ва уч барабар кўпроқ ўлимга олиб келувчи фалокат (авария) содир этишади.

Биринчи фазовий фалокат 1967 йили содир бўлди: кирк ёшли ўрис фазогири Владимир Комаров "Союз-1" кемасида ерга кўнаётиб халок бўлди.

1912 йил 14 апрелга ўтар кечаси улкан "Титаник" кемасининг муз тоғи (айсберг) билан тўқнашиб кетиши окибатида 1513 киши халок бўлган.

2007 йили Буюк Британияда алкохолли (спиртли) ичимликлардан кўриладиган зарар йилига 20 миллиард фунт-стерлингдан ошди. Ичкилик сабаб бўладиган қарахтлик ва турли касалликлар натижасида бир йилда 17 миллион иш куни йўқотилиб, иш бевувилар салкам 6,5 миллиард фунт-стерлинг зарар кўришди. Мамлакат солик тўловчиларининг 1,7 миллиард фунт-стерлинг маблағи йилига ана шу бемаъни ишга сарф бўлиб кетади.

Согликни сақлаш хизмати маълумотларига кўра, Англияда мастлик натижасида йилига 1 миллион 200 минг зўрлаш ходисаси содир бўлади. Касалхонага тушган ҳар ўн кишидан бири ичкилик туфайли азият чекади. Дам олиш кунлари, ярим кеча, тонгга яқин бу кўрсаткич еттидан ўнtagача кўпаяди. 1 миллион 300 минг мактаб ўқувчиси майхўр ота-оналаридан зулм кўради.

Ичкиликбозлик туфайли очилган жиноий ишлар сони йилига 7 миллион 300 мингдан ошади. Мутахассислар фикрича, бу рақамлар ўртача кўрсаткичлардир.

Хозирги кунда Гарбда ичкиликбозликка карши бошланган кураш деярли бой берилган. Якинда спирт ишлаб чиқарувчи биргина «Smirnoff» фирмаси реклама учун 250 миллион доллар пул сарфлади.

Буюк Британияда ичкиликбозлик йилига 22 минг кишининг ўлимига, 150 минг кишининг хасталикдан ёки кўнгилсиз воқеадан касалхонага тушишига сабаб бўлмоқда.

Ичкилик зарарини бугунги кунда илм-фан ҳам исбот этмоқда. Франсуз шифокори Дэмме 28 йил мобайнида ўнта оилани кузатган. Бу оилаларда ота ҳам, она ҳам ичкиликка мубтало бўлганлардан эди. Мазкур хонадонларда дунёга келган 57 та боладан 25 таси ёшига етмасданок нобуд бўлган. 17 таси рухий жихатдан хаста бўлган, 5 нафарининг бош миясида сув йигилган, факат ўнтасигина рисоладагидай ўсган.

Америкада ичкилик ичиш ман килинган 1920 йили хар мингта аҳолидан 13 киши мастлик оркасидан халок бўлган эди, 1925 йилда бу конун бекор килиниб, ичкиликка рухсат бўлганидан кейин хар минг кишидан 86 нафари мастлик туфайли халок бўлган.

1866 йили Нью-Йоркда икки мингта фохиша текширувдан ўтказилганида 569 нафарининг отаси, 347 тасининг онаси мунтазам равишда майхўрлик қилгани, қолганларининг оиласида эса ўртача меъёردа ичилгани маълум бўлган. Хуллас, уларнинг ҳаммаси ичкилик туфайли ёмон йўлга кириб кетгани аниқланган.

Биргина Россияда 2007 йилнинг беш ойида қалбаки ароқдан захарланиб, 10 000 киши халок бўлди.

Дунёда қотилликларнинг 70 фоизи, безориликларнинг 80-90 фоизи мастлик оқибатида рўй беради. Агар алкогольли ичимликлар истеъмол қилиш 35 фоизга қайтариб олинса, қотиллик 40 фоизга, безорилик эса 25 фоизга қайтарилган бўлар эди.

Доктор Т. П. Симпсон маълумотларига кўра, 1000 нафар тентак бола текшириб қўрилганида 500 тасининг отаси, 70 тасининг онаси, яна шунчасининг ҳам отаси ва ҳам онаси алкогольли ичимлик истеъмол қилиши аниқланди. Тутканок касаллигига дучор бўлган юзта боланинг 60 тасида ота-онаси ароқхўр бўлган.

Л. Орловский тадқиқотларидан маълум бўлишича, Россияда спиртли ичимлик ичувчиларнинг 16-17 фоизида иш унумдорлиги пасайиб кетган, 20 фоизида оилавий қўйди-чиқди бўлган. Жами жиноятларнинг 85 фоизи, безориликларнинг 90 фоизи, қотилликнинг 70 фоизи, кўча жиноятларининг 47 фоизи, уйдаги фалокатларнинг 22 фоизи, ишхоналардаги бахтсиз ҳодисаларнинг 45 фоизи мастликда содир бўлган.

Йигирма беш дона сигаретда икки томчи соф никотин бўлади. Катта ёшли одам ўттиз йилда ўртача 200 минг дона сигарет чекади. Бу, 160 кило тамаки деганидир. Унинг таркибида 500 грамм никотин бўлиб, бу ўн минг кишини захарлаб ўлдиришга етади.

22 минг дона сигарет чеккан киши соғлигини йўқотиш бўйича уран қонида ишлаган одам билан тенглашиб қоларкан.

Ўпка ракидан ўлганларнинг 90 фоизи чекувчилардир.

Ер юзида хозир 1 миллиард 1 миллион кашанда бор. Чекиш билан боглик хасталиклар туфайли хар саккиз сонияда бир киши вафот этипти. Бу, бир йилда 3 миллион киши нобуд бўляпти, дегани.

АКШда чекувчи киши корхона эгаларига чекмайдиганларга караганда йилига 1000 долларга кимматга тушади.
Олмонияда 20 миллион киши чекувчидир.

АКШда хар куни балогатга етмаган 3000 ўсмир чекишни ўрганади.

Хозир дунёда 60 миллион киши бедаво СПИД касалига чалинган, шундан 5 миллиони Жанубий Африкада яшайди. Бу касаллик аникланганидан буён ундан жами 35 миллион киши вафот этди.

Хозирги кунда дунё бўйича икки юз ўн миллион нафардан ортик гиёванд (банги) рўйхатга олинган.

1943 йили швейцариялик кимёгар олим Алберт Хоффман гиёванд моддаларнинг галютсиноген хусусиятини, яъни гиёванд модда истеъмол килганларнинг кўзига аллакандай шарпа ва тасвирлар кўринишини кашф килди.

Факат Афғонистонда гиёванд моддалар хисобидан йилига 120–150 миллиард доллар микдорида фойда кўрилиши аникланган.

Одам гиёванд моддалар асирига айлангач, ўрта хисобда беш йилдан ортик умр кўра олмас экан.

Бирор мамлакат ахолисининг етти фоизи гиёванд моддалар истеъмолига ўтган бўлса, у мамлакатнинг келажаги халокат ёкасида туриши аникланган.

Сўнгги хисоб-китобларга кўра, бир гиёвандни даволаш учун йилига 8–12 минг АКШ доллари микдорида маблаг керак бўлади.

Аёллар гиёванд моддаларни эркакларга караганда уч баравар кам истеъмол килишади, ammo шунга карамай, кейинги пайтда дунё бўйича банги аёллар сони олти ярим баравар ортгани кайд этилди.

Хозирги пайтда Русияда 2,5 миллион гиёванд бор, улардан йилига 30 минги бевакт хаёт билан видолашапти.

Аллома Ибн Хожар ал-Маккийнинг "Фатовои Исломийя" асарида инсон саломталиги ва жамият хаётига гиёвандлик иллоти етказадиган 120 хил жиддий зарар санаб ўтилган.

Овкатда йод моддаси етишмаслиги окибатида жахонда йилига 43 миллион бола акли заиф, 100 минг бола тугма овсар бўлиб тугилади.

Хар йили Ер юзида ўртача 1500 атрофида zilzila бўлади.

Милоднинг ўнинчи асридан буён то ҳозиргача Италияда содир бўлган кирк минг zilzilaда жами 440.000 киши халок бўлди, ўтган асрнинг ўзида 120.000 италиялик zilzila қурбони бўлди.

1925 йил 18 мартда АКШнинг уч – Миссури, Иллинойс ва Индиана штатларида юз берган куюн (торнадо) оқибатида 695 киши халок бўлган, 2027 киши жароҳатланган, 40 миллион долларли зарар кўрилган.

1917 йил 23 мартда АКШнинг Нью-Олбани шаҳрига осмондан турли кийим-кечак, мебел ва шифер парчалари, ошхона жихозлари ва ҳатто тузланган бодринг камалган шиша идишлар ёккан. Маълум бўлишича, бу куюн (торнадо)нинг "иши" экан.

Юнон тарихчиси Атенеус милоддан олдинги 200 йилда осмондан жуда кўп қурбака ёкканини ёзган эди.

1940 йил 17 июнда Нижний Новгород вилоятининг Мешери кишлоғида момақалдирок ва ёмғирдан сўнг осмондан ўн еттинчи асрда зарб килинган қадимий тангалар ёгилган.

Ўн тўққизинчи аср мобайнида ва ўтган асрнинг биринчи ярмида (факат тинчлик даврида) 40 минг савдо кемаси сув остига чўкиб кетган, булардан бир қанчаси сугурта пули ундириш мақсадида атайлаб уюштирилгани очилиб қолди.

Барча авиатсия фалокатларининг 90 фоизи самолётларнинг самога кўтарилиш ва ерга қўниш чоғида содир бўларкан.

Амрикода бир йил мобайнида ўртача 30 минг одам ўлдириш жинояти содир этилади.

Амриколик ўқувчилар мактабни битиргунча телеэкран орқали 8000 та қотилликни кўришади.

Амрикода содир этилган жиноятларнинг бор-йўғи 22 фоизини очишга муваффақ бўлишади.

Хар йили Русияда 300.000 киши ишлаб чиқаришда жароҳатланиб, 7000 киши ҳаётдан қўз юмади.

Яқинда Зимбабведа (Африко) мамлакатдаги сўнгги жаллод вафот этди.

Швейтсария қонунларига қўра, ўлим жазосига ҳукм қилинган жиноятчилар бошқа давлатга қайтариб берилмайди.

Хитой йўл-транспорт ҳодисалари сони бўйича дунёда биринчи ўринда туради.

Аҳоли жон бошига алкогольли ичимликлар истеъмол қилиш соф спирт ҳисобида Россияда 11,5 литрни, Олмонияда – 7,9, Финляндияда – 7,5, Полшада 6 литрни ташкил этади.

«Стратегия России» журнали маълумотларига кўра, бугунги кунда Россияда расман 2,4 миллион ашаддий ичкиликхўр мавжуд (уларнинг 60 минги болалардир). Аммо шифокорларнинг тасдиклашича, бу ракам камида ўн марта камайтириб кўрсатилган.

Россияда ишлаб чиқарилаётган спиртли ичимликларнинг 70 фоизини эркаклар, 30 фоизини эса кадимда умуман ичмаган аёллар истеъмол қилишяпти.

Бутунжахон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг 2006 йилдаги маълумотларига кўра, ҳозир дунёда 500 миллиондан ортиқ киши рухий касалликлар, асаб тизими бузилиши кийноқларини бошидан кечирмоқда.

Йилига дунёда 20 миллиондан зиёд киши ўз жонига қасд қилишга уринади. Шундан бир миллиони суиқасд туфайли ҳалок бўляпти.

Англияда балогатга етмаган 200 минг нафар киз оталарининг ўз номусига тажовуз қилмоқчилигидан ҳимоя қилишни сўраб судларга мурожаат қилган.

Британияда оила қурганларнинг учдан бири тезда ажрашиб кетади.

Франсияда ўқувчи кизларнинг 48 фоизи ўтказилган сўровга кўра, никоҳсиз тугишни айб санамайди.

Тайланддай кичкина мамлакатда 1 миллиондан ортиқ аёл фоҳишабозлик билан машғул.

Аҳмад Муҳаммад